

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нима учун эргашамиз?



17:05 / 05.11.2019 2678

1. Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунуш учун.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эй имон келтирганлар! Аллоҳга ва (Унинг) Расулига итоат этингиз!”** (Анфол сураси, 20-оят). Бу маънодаги оят Қуръони каримда такрор-такрор келган.

2. Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сазовор бўлиш учун.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Айтинг (эй, Муҳаммад!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир”**

(Оли Имрон сураси, 31-оят).

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: “Бандаларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатларининг аломати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашишдир”.

3. Фарз амалларда йўл қўйилган камчиликларнинг ўрнини тўлдириш учун.

4. Бидъат, залолатга берилиб кетишдан сақланиш учун. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизнинг ичингизда икки нарсани қолдирдим. Агар уларни маҳкам тутсангиз, ҳеч адашмайсиз. Булар - Аллоҳнинг китоби ва Менинг суннатимдир”**, деганлар *(Имом Молик ривояти)*.

Аллоҳ таоло барчамизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашимизга ва унда бардавом бўлишимизга тавфиқ ато этсин!

Даврон Нурмуҳаммад